


XV. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи¹⁾ 2018 йил сентябрь ойида 1 953,5 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 26,1 % га ўсди. 2018 йил январь-сентябрь ойлари учун ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 684,5 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 22,9 % га ўсди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан энг юқори ўсиши иқтисодий фаолият турларининг ахборот ва алоқа (33,0% га), саноат (28,6% га), қурилиш (28,6% га), банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятларида (27,6 % га) кузатилди.

Ўртача иш ҳақининг юқори миқдори иқтисодий фаолият турларининг банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида - 3 213,1 минг сўм (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 90,7 % га юқори), ахборот ва алоқада - 3 196,8 минг сўм (89,8 % га), саноатда - 2550,9 минг сўм (51,4 % га), ташиш ва сақлашда - 2 361,2 минг сўм (40,2 % га), қурилишда - 2 148,2 минг сўм (27,5 % га) кузатилди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-сентябрь)**



¹⁾ Бу ерда ва кейинги ўринларда дастлабки маълумотлар, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз, қайта ҳисобланган

Республика бўйича ўртача реал ҳисобланган иш ҳақи 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1425,1 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 4,0 % га ўсди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача
ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)


	Январь-сентябрь		Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Ўзбекистон Республикаси	1370,6	1684,5	100,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	1984,3	2550,9	144,8	151,4
Қурилиш	1670,1	2148,2	121,9	127,5
Савдо	1540,8	1699,4	112,4	100,9
Ташиш ва сақлаш	1909,2	2361,2	139,3	140,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	976,5	1211,7	71,2	71,9
Ахборот ва алоқа	2404,1	3196,8	175,4	189,8
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик	2518,6	3213,1	183,8	190,7
Таълим	1089,5	1275,8	79,5	75,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	922,8	1085,7	67,3	64,5
Санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	1285	1613,5	93,8	95,8
Бошқа фаолият турлари	1175,6	1588,5	85,8	94,3

2018 йил январь-сентябрь ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 210,4 АҚШ долларини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 63,3 % ни ташкил этди. (1 АҚШ доллари 2017 йил январь-сентябрда 4124,04 сумни, 2018 йил январь-сентябрда 8004,41 сумни ташкил этган).

Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 275,8 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 17,1 % га ўсди.

Таълим иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи


(2018 йил январь-сентябрь; кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)



Таълим соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 1580,1 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 123,9 %), Жиззах вилоятида 1374,9 минг сўмни (107,8 %) ва Тошкент вилоятида 1329,8 минг сўмни (104,2 %) ташкил этган бўлса, Фарғона вилоятида 1170,2 минг сўмни (91,7 %), Қашқадарё вилоятида 1176,1 минг сўмни (92,2 %) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2550,9 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 28,6 % га ўсди.

**Саноат иқтисодий фаолияти бўйича ўртача ойлик
номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(2018 йил январь-сентябрь; кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)




Саноат соҳасидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 3061,3 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 120,0 %), Қорақалпоғистон Республикасида 3058,3 минг сўмни (119,9 %), аксинча Навоий вилоятида 3033,8 минг сўмни (118,9 %) ва Тошкент вилоятида 2678,1 минг сўмни (105,0 %) ташкил этган бўлса, Наманган вилоятида 1586,1 минг сўмни (62,2 %), Жиззах вилоятида 1683,5 минг сўмни (66,0 %) ташкил этиб, бошқа худудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1085,7 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 17,7 % га ўсди.


Ушбу соҳадаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 1298,5 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан 119,6 %), Бухоро вилоятида 1193,3 минг сўмни (109,9 %), Қорақалпоғистон Республикасида 1187,4 минг сўмни (109,4 %) ва Сирдарё вилоятида 1160,8 минг сўмни (106,9 %) ташкил этган бўлса, аксинча Қашқадарё вилоятида 937,6 минг сўмни (86,4 %), Самарқанд вилоятида 1002,2 минг сўмни (92,3 %) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш фаолияти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-сентябрь; кичик тадбиркорлик субъектларида ташиқари)



Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳаларидаги ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Тошкент шаҳрида 4347,0 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 135,3%) ташкил этган бўлса, Сирдарё вилоятида 2237,4 минг сўмни (69,6%), Тошкент вилоятида 2372,2 минг сўмни (73,8%) ташкил этиб, бошқа ҳудудларға нисбатан кам миқдорға эға бўлмоқда.

**Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолиятида
бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи**
(2018 йил январь-сентябрь; кичик тадбиркорлик субъектларида ташқари)



Ўртача ойлик иш ҳақи кўрсаткичини республика ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, энг юқори миқдори Тошкент шаҳрида - 2363,9 минг сўмни (республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан 1,4 марта), Навоий вилоятида - 2214,6 минг сўмни (131,5 %) ташкил этган.

Ўртача ойлик иш ҳақининг энг паст кўрсаткичлари Наманган (1311,0 минг сўм), Самарқанд (1343,3 минг сўм) ва Сурхондарё (1354,2 минг сўм) вилоятларида кузатилди. Бу вилоятларда ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичлари республикадаги ўртача ойлик иш ҳақиға нисбатан мос равишда 22,2 %, 20,3 % ва 19,6 % га кам бўлган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

(минг сўм)

	<i>Январь-сентябрь</i>		<i>Республикадаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, %</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
Ўзбекистон Республикаси	1370,6	1684,5	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	1301,2	1629,4	94,9	96,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	1255,9	1541,2	91,6	91,5
Бухоро	1368,1	1576,7	99,8	93,6
Жиззах	1185,8	1438,0	86,5	85,4
Қашқадарё	1269,6	1522,7	92,6	90,4
Навоий	1858,8	2214,6	135,6	131,5
Наманган	1062,2	1311,0	77,5	77,8
Самарқанд	1096,4	1343,3	80,0	79,7
Сурхандарё	1106,5	1354,2	80,7	80,4
Сирдарё	1174,1	1436,2	85,7	85,3
Тошкент	1460,3	1886,2	106,5	112,0
Фарғона	1162,6	1368,7	84,2	81,3
Хоразм	1130,4	1380,3	82,5	81,9
Тошкент ш.	1869,5	2363,9	136,4	140,3

